# Жаҳон Тинчлик Кенгашининг сессияси

## „Биз дарҳол музокаралар бошлашни талаб қилишимиз керак"

### Де Шамбрэн доклади

СТОКГОЛЬМ, 19 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Илгари хабар берилганидек, кеча сессияда кун тартибидаги биринчи масала юзасидан Франция парламентининг депутати Жильбер де Шамбрэн доклад қилди. У, Германия проблемасининг ба'зи томонларига тўхталди, француз халқининг «Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги шартномага қарши олиб борган кураши тўғрисида сўзлаб берди. У айтдики, бу шартнома барбод бўлгандан кейин тузилган Лондон ва Париж битимлари умидсизлик туғдирди, чунки бу битимлар халқларнинг тинчликка бўлган самимий интилишларига тўғри келмайди. Халқлар Германия проблемасини ҳал этиш имкониятини берадиган умумий музокаралар олиб борилмасдан туриб, бу битимларнинг ратификация қилиниши мумкин деган фикрга асло йўл қўяолмайдилар.

Халқаро аҳволдаги кескинликнинг юмшаганлиги сезилган бир пайтда, деди ўз сўзини давом эттириб де Шамбрэн, бутун дун'ё эндиликда қат'ий музокаралар учун ва тотув яшашни ўрнатиш учун фурсат келди деб ўйлаган бир пайтда, Ғарбий Германияни бирёқламалик блан қуроллантиришга бундан бирнеча ҳафта илгари Лондон ва Париж битимлари формасида яна уриниб кўрилди. Бу битимлар сиёсий, иқтисодий ва ҳарбий характерга эга. Ҳарбий битимлар Ғарбий Германияни мустақил армияга эга қилишни, унинг ҳарбий-саноат потенциалини қайтадан тиклашни, Ғарбий Германияни Шимолий Атлантик Иттифоқига ва Брюссель ҳарбий блокига қўшишни мақсад қилиб қўяди.

Нотиқнинг та'кидлаб ўтишича, Лондон ва Париж битимларининг негизи «Европа мудофаа бирлашмаси» негизидан сра фарқ қилмайди, мазкур шартнома қандай хавфли бўлган бўлса, бу битимлар ҳам худди шундай хавфлидир. Мазкур шартномада ҳам, бу битимларда ҳам гап Ғарбий Германияни бирёқламалик блан қуроллантириш ҳақида боради.

Франция жамоатчилигининг кенг доиралари, деди де Шамбрэн, буни яхши тушунадилар. Турли жамоат ва касаба союз ташкилотлари Ғарбий Германияни қуроллантиришга олиб борадиган Лондон ва Париж битимларига дарҳол қарши чиқдилар, жамоат ва касаба союз ташкилотлари Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши кураш олиб бормоқдалар.

Аксинча, бу ҳужжатларнинг хавфли эканлиги расмий доираларга кўрсатилганда, улар кутилмаган далилларни баҳона қилиб кўрсатмоқдалар. Жумладан, улар Совет ҳукумати фақат расмият учунгина Лондон ва Париж битимларига қарши чиқаётир, ҳақиқатда эса Совет ҳукумати истар-истамас бу битимларга рози бўлади, деб да'во қилмоқдалар. Улар, Совет ҳукумати блан фақат зўравонлик сиёсати асосидагина музокаралар олиб бориш мумкин, деб да'во қилмоқдалар, демак, кейинчалик Совет Иттифоқи блан музокаралар олиб бормоқ учун мазкур битимларни, я'ни Ғарбий Германияни қуроллантириш ҳақидаги битимларни ратификация қилиш керак, демоқдалар.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда икки йўлдан бирини танлаб олиш керак: ё ратификация қилмасдан аввал музокаралар бошлаш керак, ёки ратификациядан кейин музокаралар бошлаш керак, деб таклиф қилинаётир. Мутлақо равшанки, агар музокаралар ратификация ҳақидаги мунозаралардан илгари олиб борилса, у ҳолда герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши йўл қўймаслик учун, эркин сайлов йўли блан Германияни бирлаштириш учун, Австрия блан Давлат шартномаси имзолаш учун ва, ниҳоят, айни бир вақтда ва контроль остида ялпи қуролсизланиш ҳақидаги музокараларда ҳал қилувчи босқичга ўтиш учун жуда қулай фурсат юз берган бўлур эди. Аксинча, гап ратификациядан кейин музокаралар олиб бориш ҳақида бўладиган бўлса, бундай музокараларни юз берган фактлар сиёсати хавф остида қолдирмайдими? деган савол туғилади. Бу ерда биз ҳужжатларни далил қилиб кўрсатишимиз керак. 1950 йил октябрь ойида Совет ҳукумати герман милитаризмининг тикланишига рози бўлаолмаганлигини айтди. Совет ҳукумати ўзининг 1954 йил октябрь ва ноябрь ойларидаги ноталарида Лондон ва Париж битимларининг Англия-Совет ва Франция-Совет шартномаларига очиқдан-очиқ хилоф эканлигини қайд қилиб ўтди, чунки бу шартномалар ҳарқандай агрессия хавфига қарши қаратилгани ҳолда, мазкур битимлар Ғарбий Германияга янги агрессия воситаларини топшириб қўймоқда. Совет ҳукумати, бу битимларнинг ратификация қилиниши Германияни бирлаштиришни узоқ вақтга кечиктириб қўйган бўлур эди деб огоҳлантирди ва Германияни қуроллантириш йўли блан ялпи қуролсизланишни амалга ошириш мумкин эмас, деб уқтириб ўтди.

Шундай қилиб, деди де Шамбрэн, Лондон ва Париж битимларининг ратификация қилиниши Германияни бирлаштириш масаласини, шунингдек ялпи қуролсизланиш масаласини ҳам қийин аҳволга тушириб қўяди. Мана бундай қийин аҳволни вужудга келтириш ўрнига, музокаралар олиб бориш керак. Музокаралар нима ҳақида олиб борилиши лозим? Даставвал, Германия проблемасини тинч йўл блан ҳал этиш ҳақида, сўнгра Европадаги барча мамлакатларнинг чинакам хавфсизлигини уюштириш ҳақида музокаралар олиб борилиши лозим. Европадаги бу ҳамма мамлакатлар бир хил ҳуқуқлардан фойдаланадилар ва бир хил вазифаларни ўз зиммаларига оладилар. бу эса Европанинг бир-бирига душман бўлган икки блокка бўлиниб кетишига ўрин қолдирмайди. Бу соҳада эришилган ҳарбир ижобий натижа қуролсизланиш ҳақида тезроқ битим тузилишига ёрдам берган бўлур эди. Атом хавфи таҳдиди остида яшаётган ва янги урушга тайёргарлик кўриш оқибатларидан азоб чекаётган халқлар қуролсизланиш ҳақида битим тузилишини тоқатсизлик блан кутмоқдалар.

Мен сизлардан қайси бир немис, агар у нацист бўлмаса, Германиянинг қуроллантирилишини ўз мамлакатининг гуллаб яшнашидан афзал кўриши мумкин? Қайси бир француз қуролланишни Франциянинг хавфсизлигидан ва тинчлигидан афзал кўриши мумкин? Қайси бир соғлом фикрли киши Германияни қуроллантираман деб урушга рози бўлиши мумкин? деб сўрайман.

Биз барча мамлакатлардаги жамоатчилик фикрини ёрдамга чақирмоғимиз керак. Жамоатчилик фикрининг кампанияси «Европа Мудофаа Бирлашмаси»га қарши олиб борилган кампаниядек кучли ва шу кампанияга қараганда ҳам кучлироқ бўлиши зарур. Ба'зи расмий доиралар Лондон ва Париж битимларини ратификация қилишга жуда шошилаётирлар, чунки улар жамоатчилик фикрининг мавжуд хавфни тушуниб олишини ва ўз кучини кўрсатишга улгуришини истамайдилар. Кампания ҳозирдаёқ бошланди. Ҳозирги вақтда мен фақат Франция ҳақидагина гапираоламан, Францияда петицияга ҳозирнинг ўзидаёқ бирнеча юз минг имзо тўпланди. Бу петициянинг охирида «Ратификация қилмангиз! Музокаралар олиб борингиз!» деб ёзилган.

Де Шамбрэн сўнгра бундай деди: Франциянинг жуда машҳур арбоблари шу йил 4 декабрьда Парижда Европа кенгаши чақиришни—«Европа мудофаа бирлашмаси» ҳақидаги шартнома жорий қилиниши мўлжалланган мамлакатларнинг вакиллари иштироки блан Франция ташқи ишлар министрлигида бўлиб ўтган кенгаш сингари кенгаш чақиришни таклиф этди. Бу кенгашга Германия проблемасини тинч йўл блан ҳал этишдан манфаатдор бўлган барча Европа мамлакатлари жалб қилиниши керак.

Биз, деди де Шамбрэн, бу курашга комил ишонч блан киришаоламиз. Ўз миллий манфаатларини англаб олиш ва тинчликни сақлаш зарурлигини англаб олиш ҳарбир халқнинг кучини ва иродасини оширади ҳамда унинг келгусидаги тақдирини гарантия қилади. Ҳаракатимизнинг бу кампанияни бутун дун'ё миқ'ёсида қизитиб юбориши жуда муҳимдир. Биз, музокараларга асосланган қарорлар зўравонликка асосланган қарорлардан юқори туришини ҳамиша талаб қилиб келдик. Зўравонликка асосланган қарорни, я'ни Германияни қуроллантириш ҳақидаги қарорни қабул қилдиришга уринишлар бўлаётганлиги сабабли, биз дастлаб музокаралар олиб борилишини талаб қилмоғимиз лозим.

Албатта, биз дипломатлар эмасмиз ва кенгашнинг қаерда ва қачон бўлишини, унда қанча киши қатнашиши кераклигини айтаолмаймиз. Энг муҳими шуки, кенгаш чақирилсин ва музокаралар ратификациядан олдин бошлансин. Вақтнинг оз қолганлиги ва хавфнинг характери шундайки, биз музокаралар дарҳол бошланишини талаб қилмоғимиз керак. Ҳақиқатан ҳам биз икки йўл олдида турибмиз ва кўп нарса қайси йўлни танлаб олишимизга боғлиқ бўлади. 1955 йилнинг хавфсизлик ва қуролсизланиш йили бўлиши, бирлашган Германиянинг тинчликсевар миллатлар бирлашмасига қўшилиш йили, халқаро кескинлик юмшаган йил бўлиши, тинчлик йили бўлиши жаҳон жамоатчилик фикрига боғлиқ. Миллион-миллион кишиларнинг ўз мас'улиятларини тушуниб олганликларини ва ўз бурчларига мувофиқ иш кўраётганликларини кўрсатишлари жуда муҳимдир. Ҳарбир мамлакатнинг хавфсизлигини гарантия қилиш—тинчлик учун бевосита ва кунсайин кураш олиб боришга боғлиқдир. Агар ҳукмдорлар провардида халқларнинг истак-орзулари блан ҳисоблашмайдиган бўлсалар, халқлар бу хил ҳукмдорларнинг ҳаракатларини барбод қилаоладилар. Барча мамлакатлардаги тинчликсевар кучлар вакилларининг ассамблеяси ана шундай перспективани кўзда тутиб тайёрланиши лозим. Бизнинг ҳаракатимиз бу ассамблеяни 1955 йилнинг биринчи ярмида чақирмоқчи.

# Тинчлик йўлини қаттиқ туриб сақлаб қолайлик!

## Жаҳон Тинчлик Кенгаши сессиясининг 18 ноябрьдаги кечки мажлисида

### Илья ЭРЕНБУРГ нутқи

Биринчи марта ўлароқ бизнинг ишимизга тўп ўқлари ва бомбаларнинг мудҳиш гумбурлаши жўр бўлмаётир. Бунга барча тинчлик тарафдорларининг ғайрати ва ҳаракати туфайли эришилди.

Албатта зўравонлик сиёсатининг тарафдорлари ўз муддаоларидан воз кечганлари йўқ. Улар халқларнинг орасини бўлиш ва халқларни ҳаяжонга солиш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар. Улар қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Лекин эндиликда улар унчалик кўп нарса қилолмайдилар. Жанва кенгашининг Осиё халқлари жуда яхши тушуниб олган аҳамиятини Манила пакти хиралаштираоладими, ахир? «Европа мудофаа бирлашмаси»нинг правардида шармандаларча барбод бўлганлигини Лондон ва Париж битимлари йўққа чиқаришга қодирми, ахир? Зўравонлик сиёсатининг бирор тарафдори ҳарқанча гапдон бўлганида ҳам ва овози ҳарқанча йўғон бўлганида ҳам Ҳиндистон раҳбарларининг ма'нодор сўзларини босиб кетиши мумкинми, ахир? Зўравонлик сиёсати бирмунча хиралана бошлади: сиёсат қолмоқда, зўравонлик камаймоқда.

Социал системалари турлича бўлган давлатларнинг тинч ва тотув бўлиб яшашлари зарурлиги тўғрисида бизнинг та'кидлаб айтаётган гапларимиз сиёсий жиҳатдан энг қолоқ мамлакатлардаги энг қолоқ граждaнлар онгига ҳам бориб етабошлади. Биз тинч ва тотув бўлиб яшаш мумкинлигини қаттиқ туриб талаб қилиб қолмасдан, шу блан бирга, ҳарқайси давлатнинг хавфсизлигини та'минлаш учун ҳам, инсониятнинг моддий даражасини ва ма'навий савиясини кўтариш учун ҳам ҳамма давлатларнинг ҳамкорлик қилишлари зарурлигини ҳам қаттиқ туриб талаб этишимиз лозим.

Эренбург Европадаги аҳвол тўғрисида гапириб, бундай деди:

Зўравонлик сиёсати тарафдорлари, бу сиёсатни ҳарбий блокни мустаҳкамлаш, кўпроқ қуролланиш ва жумладан Ғарбий Германияни қуроллантириш йўли блан амалга оширса бўлади, деб айтмоқдалар. Броқ, Европанинг бир-бирига душман икки блокка узил-кесил бўлиб юборилиши Шарқдаги давлатларнинг Ғарбдаги давлатлар блан ҳамкорлик қилишига ёки лоақал уларнинг бир-бирларига тегмай тинч яшашларига имкон бериши маҳол гап бўлса керак. «Учлик иттифоқ» ўз вақтида Францияга, Англияга, Россияга қарши қаратилган эди. Бу иттифоқ бошқа блокнинг — «Антанта»нинг тузилишига сабабчи бўлган эди. Бунинг оқибати нима бўлганлиги ҳаммага ма'лум. «Берлин — Токио — Рим ўқи» иккинчи жаҳон урушининг бошланишига сабабчи бўлди. Ғарб давлатлари ҳарбий блок тузиш блан эндиликда улар Европани ҳалокатга муқаррар олиб келган сиёсатни давом эттирмоқдалар. Бошқа давлатларга қарши қаратилган ҳарбий блоклар тузаётган давлатлар шундай блоклар тузишлари сабабли бир нарсадан, я'ни бошқа давлатлар блан иқтисодий ва маданий соҳада ҳалол ҳамкорлик қилишдан бош тортибгина қолмасдан, шу блан бирга улар мавжуд ихтилофларни ҳал қилиб бераоладиган дўстона музокаралар ўрнига қурол ўқталиб дўқ қилиш, ультиматумларни эслатучи ноталар юбориш, «совуқ муносабатлар уруши»нинг ҳамма усулларини қўлланиш блан шуғулланмоқдалар.

Қуролланишни кучайтириш блан, — деб давом қилди нотиқ, — халқаро кескинликни юмшатиб бўлмайди. Бу икки нарса бир-бирига зиддир. Аммо биз шуни кўриб турибмизки, зўравонлик сиёсати тарафдорлари халқаро кескинликни юмшатиш матлублиги тўғрисида бир кенгашда гап сотадилар-у, шундан кейин дарҳол бошқа кенгашга бориб, қуролланишни кучайтириш зарур деб ва, аввало, яқиндагина ўзининг қуроллари блан Европа давлатларининг кўпчилигини вайрон қилган мамлакатни қуроллантириш зарур деб исбот қилишга уринадилар.

Ғарбий Германияни қуроллантириш ва уни ҳарбий блокка қўшиш тотув яшашга ёки бир-бирига тегмай тинч яшашга ёрдам берадиган чоралар қаторига киритса бўладиган иш эмас, Ғарбий Германияни қуроллантириш ва уни ҳарбий блокка қўшиш янги вазиятни, Европага ва бутун дун'ёга нисбатан янги таҳдидни вужудга келтиради.

Қурол-яроғларни камайтириш тўғрисида, армиялари бўлган давлатларни аста-секин қуролсизлантириш тўғрисида ақлга мувофиқ келадиган ҳарқандай таклиф ким томонидан қилинса ҳам биз бундай таклифни қўллаб-қувватлашимиз лозим. Бу, узоқ келажакда рўёбга чиқадиган мақсад эмас, балки бугунги куннинг вазифасидир. Лекин Ғарбий Германияни қуроллантиришни умумий қуролсизланишга олиб келадиган йўл деб бўладими? Албатта, бундай деб бўлмайди, шунинг учун ҳам Эдуард Эррионинг, урушга олиб борадиган йўлдан тинчликни топиб бўлмайди, деб ўз ватандошларига айтган гаплари ғоят ҳақ гапдир.

Ғарбий Германияни қуроллантириш Германияни бирлаштиришни мумкин бўлмайдиган иш қилиб қўяр эди, деб айтиб келдик ва бу гапни такрорламоқдамиз. Бу — ҳаммага равшан бир нарса. Яқиндагина «Европа мудофаа бирлашмаси»га қарши бўлиб юрган ва эндиликда бу ҳазм бўлмайдиган луқманинг устига Англиянинг қайласи қўйиб берилгани учун уни ҳазм қилишга рози бўлаётган ба'зи французлар бу тўғрида уялиб индамаётган бўлсалар, аммо бу тўғрида Америка сенатори Фландерс очиқдан-очиқ бундай деди: «Агар фақат 3-нчи жаҳон уруши йўли блан бўлмаса, аммо қайта қуроллантириш йўли блан Германияни бирлаштириш мумкин бўлмайдиган иш деб ҳисоблайман».

Герман милитаризмининг қайтадан тикланиши Европадаги ҳамма халқлар учун, шу жумладан немис халқи учун ҳам ғоят хатарлидир. Шу сабабли, Германия Демократик Республикасига заррача бўлса ҳам хайриҳоҳлик қилиш хаёлига келмаган кўпгина сиёсий арбоблар: Бивен ва христиан-демократ Меллони, Олленхауэр ва Бельгия сенатори Ролен Лондон битимларига қарши норозилик билдирмоқдалар. Францияга келганда «Нью-Йорк таймс»нинг Париж мухбири Франциянинг кайфиятини яхши ифодалаб берди: «Шу ҳафта ичида Франция Германиянинг Ғарбий ҳарбий иттифоққа киришига шу қадар хунобгарчилик блан розилик бердики, уйланасан деб мажбур қилиб чеккасига тўппонча тираб қўйилган ҳечбир куёв уйланишга рози бўлганида шунчалик хунобгарчилик тортмаган бўлар эди».

Менинг шу нарсага имоним комилки, Франция бу мушкулликдан қутилиб чиқаолади ва унинг тинчликка бўлган иродаси унга муносиб йўл кўрсатиб беради.

Сўнгра Эренбург бундай деди: Совет Иттифоқи Германияни бирлаштиришга интилаётганлигини айтди. У, уч ғарбий давлат блан музокаралар олиб боришни таклиф қилмоқда ва Германияда эркин сайловлар ўтказиш тўғрисида ғарб давлатларининг таклифларини муҳокама қилишга рози. Хўш, нима учун бу таклиф ҳанузгача қабул қилинмади? Нима учун ба'зи француз радикаллари ва ба'зи инглиз лейбористлари герман милитаризмига қарши биргаликда курашган ўз иттифоқчилари блан гаплашиш ўрнига эсэсчиларни қуроллантиришни, вермахтни қайтадан тиклашни ва иккинчи жаҳон урушига олиб келган трагикомедияни такрорлашни афзал кўраётирлар? Эҳтимол, уларнинг «руслар блан гаплашиб бир фикрга келиш қийин», «Берлин кенгаши ҳаммани совутиб қўйди», «қуруқ гап сотишга вақт сарф қилиш бема'нилик бўлади», «руслар ўз пропагандалари учун кенгашлардан фойдаланадилар», деган важлари жиддий важлардир? Лекин руслар биз, американлилар блан гаплашиб бир фикрга келиш қийин бўлгани учун улар блан гаплашишни истамаймиз, деб айтишлари ҳам мумкин эди-ку. Аммо Совет Иттифоқи музокаралар олиб боришни таклиф қилмоқда. Ахир, Берлин кенгаши парижлилларнигина эмас, шу блан бирга москвалиларни ҳам совутиб қўйди-ку. Лекин шундай бўлса ҳам, Совет Иттифоқи, музокаралар олиб бориш — ақлга мувофиқ келадиган бирдан-бир йўл, деб кўрсатмоқда. Совет ҳукумати Қўшма Штатлар вакилларининг иштироки блан Европадаги барча давлатларнинг кенгашини чақиришни ва шу кенгашда, Европанинг хавфсизлигини қандай қилиб биргаликда та'минлаш кераклигини муҳокама қилишни таклиф этмоқда. Шу кенгашнинг ҳарбир қатнашчиси ўз планини таклиф қилиши мумкин, муҳокамалар натижасида битим қатнашчиларининг ҳаммаси учун мақбул бўладиган бирор конкрет нарса туғилиши лозим.

Энди ортиқ чидаб бўлмайди: Европадаги ҳамма давлатлар ўзларининг ички сиёсатларида қандай принципларга амал қилишларидан қат'ий назар, уларнинг ҳаммасини ҳамкорлик қилишга чақириш пайти келди. Европадаги ҳамма давлатларнинг вакиллари хавфсизликни ташкил қилиш тўғрисида гаплашиб бир фикрга келишлари мумкин ва лозим.

Ҳамма давлатларнинг хавфсизлигини та'минлаш тўғрисидаги таклифга ҳукуматларнинг қандай жавоб бериши ва чинакам тинчлик замони учун йўл очишлари эндиликда Европа халқларига боғлиқдир. Бизнинг ташкилотимиз шундай кунларда тўпландики, Европанинг ва бутун инсониятнинг келажаги шу кунларга боғлиқ бўлса ҳам ажаб эмас. Халқлар жуда катта офатнинг олдини олишлари ҳали ҳам мумкин. Халқлар Европанинг парчаланишига йўл қўймасликлари ва яна зўр бериб қуролланишнинг олдини олишлари ҳали ҳам мумкин. Халқлар уруш шарпасининг Европа қалбини яна босиб қолишига йўл қўймасликлари лозим. Ба'зи мамлакатлардаги давлат арбобларининг гангиб қолганликларини, музокаралар ва тотув яшаш тўғрисида гапириб туриб, Франциянинг энг ёвуз душмани бўлган вермахтни қайтадан тиклаш тўғрисидаги шартномаларни имзолаётганликларини кўриб турибмиз. Улар тинчлик тўғрисидаги кенгашларга тўпланайлик, дейилганида жуда сусткашлик қилмоқдалар. Улар немис дивизияларини тузиш керак, дейилганда ҳаддан ташқари шошилмоқдалар. Эҳтимол, улар ўз устларида контрольлик йўқ деб ўйлаётгандирлар, лекин халқларнинг контрольлиги ҳали ҳам бор.

Бу нутқимни ўзимга тааллуқли бир-икки оғиз сўз блан тамомлашга ижозат берингиз. Икки жаҳон урушини бошидан кечирган, Реймс ва Новгороднинг кулини кўрган, Европани севгучи, унга садоқатли бўлган европали киши, совет граждани, рус ёзучиси сифатида, Герценнинг «Европанинг муборак тошлари» тўғрисидаги ажойиб сўзларини кўп такрорловчи киши сифатида мен мана шу ҳал қилучи кунларда ҳамма европалиларга бундай демоқчиман: Бизга қолган гўзалликларни асраб қолайлик, келажакни қаттиқ туриб сақлаб қолайлик, Европани ўт ва кўз ёшларидан халос қилайлик, тинчликни барпо қилайлик! Ҳарбир кун ғанимат. Дўстлар, бу ажойиб шаҳарда, шу ерда бир вақтлар қасам'ёд қилиб айтган сўзларимизни эсга олайлик. Жаҳонни атом урушларининг даҳшатларидан эҳтимолки халос қилган мурожаатимиз шу ерда ёзилган эди, у вақтда биз анча кучсиз эдик; эндиликда сойлар кенг дар'ёга айланди. Бутун дун'ёнинг жамоатчилиги эндиликда биз блан бирга. Лекин одамларнинг қалбларида ихтирос ўтларини ловуллатиш керак. Стокгольм мурожаати кунларида бўлгани сингари ғайрат керак. Тузатиб бўлмайдиган офатнинг рўй беришига йўл қўймайлик! Тинчлик йўлини қаттиқ туриб сақлаб қолайлик!

## МИЛЛИОНЛАРНИНГ МУСТАҲКАМ ИРОДАСИ

СТОКГОЛЬМ, 19 ноябрь. (ТАСС). Кеча де Шамбрэн докладидан кейин Ғарбий Германия вакили Теа Арнольд хоним сўзлади. У, Ғарбий Германия аҳолиси ўртасида герман милитаризмини тиклаш планларига қарши кураш ҳаракати кучаяётганлигини айтди. Ҳукумат вакилларининг расмий баёнотларига қарамай, деди Арнольд, Ғарбий Германия аҳолиси Лондон битимлари Бонн шартномасига нисбатан ҳечқандай янгилик келтирмаганлигини борган сари кўпроқ тушинаётир. Ғарбий Германиянинг суверенитети ҳақида жуда кўп гап-сўз бўлаётир. Броқ, бизнинг энг азиз орзумиз, шунингдек Германия Демократик Республикасидаги немисларнинг энг азиз орзуси, деб уқтириб ўтди Арнольд, Германияни бирлаштиришдан иборат.

Арнольд ўз сўзининг охирида Жаҳон Тинчлик Кенгаши а'зоси Вильгельм Эльфеснинг сессияга юборган табрик телеграммасини ўқиб эшиттирди. Ғарбий Германия ҳукумати Эльфеснинг мамлакатдан чиқишига рухсат бермаган.

18 ноябрьдаги кечки мажлисда кун тартибидаги биринчи масала — Европада коллектив хавфсизлик ҳақидаги масала юзасидан А. Донини ва Ж. де Шамбрэн докладлари юзасидан музокаралар давом этди.

Гордон Шаффер (Англия) ўз нутқида Европа халқлари герман милитаризмининг қайтадан тикланишига қарши курашни кучайтирмоқдалар, деди. Шаффер лейбористлар партиясининг ҳар йили бўладиган Скарборо конференциясида Германияни қайтадан қуроллантириш ҳақида кўпчилик томонидан қабул қилинган қарор инглиз халқининг хоҳиш-иродасига қарши қабул қилинди. деди.

Япония вакили Мацумото, Лондон ва Париж битимлари ҳам, Шарқи-Жанубий Осиёдаги ҳарбий блок ҳам тинчликка таҳдид қилади, чунки бу хил битимларнинг илҳомчилари бўлган америка империалистлари бутун дун'ёда ҳукмронлик қилишга интилмоқдалар, деди.

СТОКГОЛЬМ, 19 ноябрь. (ТАСС). Танаффусдан кейин 18 ноябрьдаги кечки мажлисда кун тартибидаги биринчи модда юзасидан музокаралар давом этди. Музокараларда И. Громадка (Чехословакия), Г. Д'Арбусье (Қора танлилар Африкаси), Я. Дембовский (Польша) сўзга чиқдилар.

# БМТ Бош Ассамблеясининг туққизинчи сессияси

## СИЁСИЙ КОМИТЕТДА

НЬЮ-ЙОРК, 19 ноябрь. **(ТАСС махсус мухбири).** Сиёсий комитетнинг кеча кундузги мажлиси бошланиши блан АҚШ вакили Лодж қайтадан кўриб чиқилган резолюция проектини етти делегация — Австралия, Бельгия, Канада, Англия, АҚШ, Франция ва Жанубий Африка Иттифоқи делегациялари номидан тақдим этди. Лодж ўз баёнотида етти мамлакатнинг аввалги проектига киритилган ўзгартишларнинг моҳиятини изоҳлаб берди, бу ўзгартишлар Совет Иттифоқи таклиф этган тузатишларни, шунингдек, Ҳиндистон делегатининг мулоҳазаларини назарга олади, деди. Проект соавторларининг фикрича, деди у, киритилган ўзгартишлар аввалги проектнинг текстини яхшилади. Лодж яна, резолюция проектининг соавторлари бўлган делегациялар резолюциянинг оператив қисмидаги параграфлардан бирини ўзгартиш ҳақидаги совет таклифини қабул қилаолмадилар деб ҳам айтди. Бу таклифида атом қувватидан тинч мақсадларда фойдаланиш юзасидан чақириладиган халқаро конференцияда қатнашишга фақат БМТ а'зоси ва махсуслаштирилган муассасалар а'зоси бўлган давлатларгина эмас, балки конференцияда қатнашишни истаган ҳамма давлатлар таклиф қилинишлари лозим. дейилади.

Сўнгра совет делегацияси бошлиғи А. Я. Вишинский сўзлади. Ма'лумки, деди у, Совет Иттифоқи етти мамлакат резолюцияси проектининг авторларига ўзининг ба'зи мулоҳазоларини баён қилиб берди. Совет Иттифоқининг фикрича, бу мулоҳазалар проектни шу ма'нода албатта яхшилаши лозим эдики, резолюция проекти Бош Ассамблеянинг резолюцияси сифатида қабул қилинганидан кейин атом қувватидан инсониятнинг тинч эҳтиёжлари учунгина фойдаланишга кўпроқ даражада хизмат қилсин. Шу мақсадда биз тегишли тузатишларни киритдик. Шу блан бирга, биз етти мамлакат резолюцияси проектининг соавторларини тузатишларимиз ҳақида олдиндан хабардор қилиб қўйишни зарур деб топдик, биз бундай йўл ба'зи низо'ли масалалар юзасидан келишиш учун энг яхши йўл бўлади деб ишондик.

Сўнгра А. Я. Вишинский совет делегацияси тақдим этган тузатишларнинг моҳиятига тўхталди. Биринчи тузатишда Бош Ассамблеянинг атом қуввати соҳасидаги буюк кашфиётлардан фақат тинч мақсадларда фойдаланишга ҳартарафлама ёрдам беришга интилиши ҳақида гапирилади. Бу тузатиш қайтадан кўриб чиқилган резолюция проектининг тегишли моддасида ўз ифодасини топган. Бу моддада шундай дейилади: «Бош Ассамблея атом қувватининг шундай тарзда қўлланилишига ғайрат блан ёрдам беришни истайдики, у фақат инсоният кўзда тутган тинч мақсадлар учун ва унинг турмуш шароитларини яхшилаш учун хизмат қилсин» Совет делегацияси тақдим этган иккинчи тузатишда, резолюция текстида атом қувватидан фойдаланиш соҳасида иш олиб боручи халқаро орган тузиш ҳақидаги музокаралар фактини та'кидлаб ўтиш блангина қаноатланмасдан, балки музокараларни давом эттириш ҳам тавсия қилинсин, деб кўзда тутилади. Қайтадан кўриб чиқилган резолюция проектида бу тузатиш ҳам ўз ифодасини топган, унда музокаралар олиб борилаётганлиги та'кидлангандан кейин, «бу музокараларни давом эттириш нияти бор» дейилган.

Резолюция проектининг халқаро орган БМТ блан алоқа қилиб туриши ҳақида гапирилган аввалги моддасидан, СССР делегациясининг таклифи бўйича «махсуслаштирилган муассасалар блан тузилган битимлар сингари» деган сўз чиқариб ташланди. Бу эса, А. Я. Вишинскийнинг айтишича, мазкур модданинг ифодасини анча мақбулроқ қилди, чунки бу ҳол мазкур органнинг БМТ блан қандай шаклда алоқа қилиб туриши ҳақида келгусида келишиш имкониятини қолдиради. Совет делегацияси аввалги резолюция проектига киргизилган бошқа ба'зи ўзгартишларга ҳам жумладан, Бош Ассамблея халқаро орган дарҳол тузилади деб умид билдиради, деган ўзгартишга шунингдек халқаро конференцияни тайёрлаш комитети ҳақидаги моддага ҳам қўшилди. Қайтадан кўриб чиқилган резолюция проектида етти мамлакат— Бразилия, Ҳиндистон, Канада, Англия, АҚШ, СССР ва Франция кўрсатилган, комитетга ана шу мамлакатларнинг вакиллари кириши лозим.

Шу муносабат блан Совет Иттифоқи вакили, бундай конференциянинг эшиги ҳамма учун очиқ бўлиши лозим, чунки бу муҳим принципиал аҳамиятга эгадир, деб уқтириб ўтди.

Етти мамлакат резолюциясининг қайтадан кўриб чиқилган проекти 19 ноябрьдаги кундузги мажлисида яна муҳокама қилинади.

## Мўғулистон халқ-революцион партиясининг 12-нчи с'езди очилди

УЛАН-БАТОР, 19 ноябрь (ТАСС). Бугун Улан-Баторда Мўғулистон халқ-революцион партияси (МХРП) нинг 12-нчи с'езди очилди Мажлислар залида 630 тадан кўпроқ делегат —меҳнаткаш аратларнинг, ишчилар синфининг ва интеллигенциянинг вакиллари, шунингдек қардош Коммунистик ва ишчи партиялардан вакил бўлиб келган жуда кўп меҳмонлар тўпланди.

С'ездни Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитетининг биринчи секретари Д. Дамба очди. У, 12-нчи с'езднинг жуда катта аҳамияти борлигини кўрсатиб, қардош партиялар делегацияларини бутун залнинг гулдурос қарсаклари остида табриклади.

Мажлисда ҳозир бўлганлар И. В. Сталин ва Чойбалсан хотираларини ўринларидан туриб ҳурмат блан эсга олдилар. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети президиуми узоқ давом қилган гулдурос қарсаклар остида с'езднинг фахрий президиумига сайланди.

Кун тартибининг биринчи пункти бўйича Мўғулистон халқ-революцион партияси Марказий комитети Сиёсий бюросининг а'зоси Ю. Цеденбал МХРП Марказий комитетининг ҳисобот докладини қилди.

Сўнгра ревизия комиссиясининг доклади тингланди.

## ГДР ХАЛҚ ПАЛАТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

БЕРЛИН, 19 ноябрь. (ТАСС). Бугун Берлинда Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг навбатдаги мажлиси бўлди. Мажлис кун тартибида қуйидаги масалалар бор эди:

1. Германия Демократик Республикаси Министрлар советини тузиш ҳақида ва Министрлар советининг программаси тўғрисида ГДР бош министри Отто Гротевольнинг баёноти.
2. Халқ палатасининг иш тартиби тўғрисида қарор қабул қилиш.
3. Халқ палатаси комиссияларини сайлаш.

Халқ палатасининг мажлисида дипломатия арбоблари учун белгиланган ложада СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Г. М. Пушкин, шунингдек халқ демократияси мамлакатлари элчихоналари ва дипломатик миссияларининг бошлиқлари ҳамда вакиллари бор эди. Немис ва четэл матбуотининг жуда кўп вакиллари ҳам ҳозир бўлдилар.

ГДР бош министри Отто Гротеволь Германия Демократик Республикаси ҳукуматини тузиш ҳақида ва Министрлар советининг программаси тўғрисида баёнот берди.

О. Гротеволь ўз баёнотида халқ палатасига Германия Демократик Республикаси Министрлар советининг қуйидаги составини ма'қуллаш учун тақдим этди: бош министр — Отто Гротеволь. бош министр ўринбосари Вальтер Ульбрихт; бош министр ўринбосари ва ички ишлар министри Вилли Штоф; бош министр ўринбосари — Отто Нушке; бош министр ўринбосари ва машинасозлик министри — Генрих Рау; бош министр ўринбосари ва молия министри — Ганс Лох; бош министр ўринбосари ва ташқи ишлар министри — Лотар Больц; бош министр ўринбосари ва қишлоқ ҳамда ўрмон хўжалиги министри— Пауль Шольц; Давлат план комиссиясининг раиси — Бруно Лейшнер; оғир саноат министри — Фриц Зельбман; енгил саноат министри — Вильгельм Фельдман; озиқ-овқат саноати министри — Курт Вестфаль; савдо ва та'минот министри — Курт Вах: меҳнат ва профессионал та'лим министри — Фридрих Махер; соғлиқни сақлаш министри — Луитпольд Штейдле; транспорт министри — Эрвин Крамер; почта ва телеграф министри — Фридрих Бурмейстер; қурилиш министри — Генц Винклер; халқ маорифи министри — Фриц Ланге; маданият министри—Иоганнес Бехер; юстиция министри — Хильде Беньямин; Герман эмиссион банкининг президенти — Грета Кукгоф; бутун молия хўжалигини мувофиқлаштириш ишлари блан шуғулланучи статс-секретарь — Вилли Румпф; қишлоқ хўжалик маҳсулоти тайёрлаш ва сотиб олиш ишлари блан шуғулланучи стат-секретарь — Герман Штрейт; олий мактаб ишлари бўйича статс-секретарь—Герха-од Хариг: маҳаллий экономика бўйича статс-секретарь — Карл Кастен; физкультура ва спорт ишлари бўйича давлат комитетининг раиси Манфред Эвальд.

О. Гротеволь ҳали Давлат контроли марказий комиссияси раисини, ички ва ташқи савдо министрини, Штатлар масаласи бўйича давлат комиссияси раисини та'йинламаганлигини ва бу вазифаларга кишилар тайинлангандан кейин шу тўғрида кейинчалик Халқ палатасига ахборот берилажагини айтди.

### Об-ҳаво ма'лумоти

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкентда ҳаво бироз булутланиб турса ҳам, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 18—20 даража иссиқ бўлади.

**Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.**



### ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 21/XI да кундуз **Май тўкилди**, кеч соат 8 да **Юрак сирлари**, 23/XI да **Май тўкилди**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 10 қизиқчининг иштироки блан **кулги, юмор ва сатира**. Бугун **3 марта тамоша** кўрсатилади. Тамошалар кундуз соат 1, 4 ва кеч 8 да бошланади.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА — 21/XI кундуз соат 1 да **«Ўзбекистон композиторлари»** деган темада **лекция-концерт**. Лектор — **М. Аҳмедов**. Билетлар сотилмоқда.

**КИНОТЕАТРЛАРДА:**

«РОДИНА», НАВОИЙ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»— янги бадиий фильм **Ер**.


**РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЕТ АДРЕСИ:** Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. **РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ:** коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 157, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р. 08729. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1592.